

Qishloq HAYOTI

O'zbekiston Respublikasi ijtimoiy-iqtisodiy gazetasi

1974 yil 1 yanvardan chiqq boshlagan

№ 153 (6.678). Sotuvda erkin narxda

Ўзбекистон Фанлар академиясининг аъзоларига, барча илмий ходимларига

Мухтарам дўстлар! Авваламбор, ўз хаётини Ўзбекистон илм-фани ривожига бағишлаган, мамлакатимиз келажиги йўлида фидокорона меҳнат қилаётган сиз, аъзолари бугунги кўтулг сана - Фанлар академиясининг 60 йиллик тўйи билан муборакбод этишни мен ўзим учун катта шараф, катта бахт деб билман.

Хизмат тақозосига кўра менинг хаёт йўлим узоқ йиллар давомида Ўзбекистоннинг илмий салоҳиятини ўзида мужассас этган, не-не буюк истеъдодлари бирлаштирган шу мўътабар даргоҳ билан боғлиқ ҳолда ўтганини, Ватанимиз тарихида ўчмас из қолдирган, ноёб кашфиёт ва иxtироларнинг муаллифлари бўлган машҳур олимлар билан ҳамкор бўлиб ишлаш, уларнинг фаолиятини бевосита кузатиш имконига эга бўлганини, ўйламанки, сизлар яхши биласиз.

Шу маънода, Академиянинг барча аъзолари, илмий мактабларнинг соҳиблари ва давомчилари, йирик илмий муассасалар раҳбарлари ва ходимларининг кўпчилигини яқиндан билганимдан, сизлар билан ёнма-ён бўлиб ишлаганимдан ҳали-бери катта таассуротда эканимни изхор этмоқчиман.

Мана шу қувончли кунда барчангизга ўзининг хурмат-эҳтиромини билдириб, академия фахрийларига узоқ умр, фаолларига омад, эндигина илм-фан оламига қадам қўяётган ёшларимизга эса фан қўжиларини эгаллашда ютуқлар тўлалигини бахтиёрман.

Ўзбекистон Фанлар академияси-

нинг номини, унинг шон-шухрати-ни сақлаб ва юксалтириб келаётганингиз учун барчангизга жамоатчилигимиз номидан самимий ташаккур билдираман.

Бугун Фанлар академиясининг 60 йиллигини кенг нишонлар эканмиз, сизларнинг бу тарихий санага аввало она заманимизда қадимдан фаолият кўрсатиб келган Маъмур академияси, Самарқанд, Бухоро ва Фарғона водийси каби машҳур илм-фан марказларининг мантқиқий ҳосиласи, миллий тафаккуримизнинг табиий махсули сифатида қараётганингиз айниқса ибратлидир.

Табиийки, тарихни бундай англаш, бундай ғурур ва ифтихор шу тупроқни жон дилдан севадиган, шу юртга сидқидилдан хизмат қилиб, уни бутун дунёга тарангун этаётган сиз каби илм-фан фидойиларига ярашади.

Кўнча ва бой тарихимизни чуқур ўрганиш, томирларимизга етиб бориш, миллий рух, миллий ғоянинг жамиятимизда муносиб ўрин эгаллашига эришиш, энг муҳими, бетахор меросимизни асраб-авайлаб, униб-ўсиб келаётган ёш авлодга етказишга фақат Ўзбекистонимизнинг тақдирини ўйлайдиган, унинг келажиги учун қайғурадиган одамларгагина қодир, десаек, айни ҳақиқатни айтган бўлаемиз.

Хурматли илм-фан ахли! Фанлар академияси ўз тарихи давомида кўп воқеаларни, даврини бачча мураккаблиқларини бошдан кечирганини, Марказ томонидан беписандлик ва камситиш каби

ҳолатларни ҳам кўрганини, ўйламанки, сизлар ўз фаолиятингиз мисолида яхши биласиз.

Лекин, қандай қийинчиликларга дуч келмасин, халқимизнинг ноёб истеъдодини рўёбга чиқаришда, авваламбор, Ўзбекистоннинг эртанги кунини учун хизмат қиладиган ер ости, ер усти бойлиқларини ўзлаштиришда бу нуфузли илм даргоҳида яратилган, мамлакатимизнинг тараққиётига улкан ҳисса қўшган кашфиёт ва тадқиқотлар, янги технология ва воситалар, илмий тавсия ва қўлланмалар бекхисса аҳамиятга эга бўлганини ҳеч ким инкор этолмайди.

Бу ҳақиқатни айниқса геология, хусусан, нефть ва газ, олтин, рангли ва қимматбаҳо металллар конларини аниқлаш, математика, ядро ва каттик жисмлар физикаси, астрономия, микробиология, органик ва ноорганик, ўсимлик моддалар кимёси, сейсмология, тарих ва археология, фалсафа ва шарқшунослик каби фан соҳаларида яратилган улкан кашфиётлар аққол исботлайди.

Академиямизни мана шундай юксак даражада кўтаришда буюк ҳисса қўшган, номлари тарихимиз саҳифаларига зарҳал ҳарфлар билан ёзилган марҳум фан арбобларини ёд этиш, бугун ҳам ана шу эзгу аъёнларни муносиб давом эттириб келаётган сиз, аъзоларга ана бир бор ташаккур билдириш барчамиз учун ҳам қарз, ҳам фарз, деб ҳисоблайман.

Албатта, ҳаммамиз яхши тушунамиз, Фанлар академиясининг мавжуд салоҳиятини тўла рўёбга чи-

қариш, лабораториялар ва тажриба майдонларида, қўлэмалар устида илмий тадқиқотлар олиб бораётган захматқаш олимлар меҳнатини рағбатлантириш учун давлатимиз томонидан берилаётган кўмак ва ёрдам ҳозирча етарли эмас.

Буни кўпчилик қаторида мен ҳам яхши англайман. Лекин, шу фурсатдан фойдаланиб, бир фикрни айтмоқчиман: иктисодиётимиз ривожланиб, имкониятларимиз кенгайиб бориши билан шу соҳада фидойий бўлиб хизмат қиладиган илм-фан ахли олдидаги қарзимизни адо этиш учун шараф туғилади. Бу борадаги ишларимизни охирига етказиш, тараққий тошган мамлакатларнинг илм марказлари билан ҳамкорлик қилиб, тадқиқот жараёнларини замонавий даражада ташкил этиш учун амалий кўмак беришнинг давлат олдари ва ташкилотларнинг, бутун жамиятимизнинг биринчи даражали вазифаси, деб билишимиз зарур.

Сизларни бугунги кўтулг айём билан ана бир бор табриклаб, мамлакатимиз олдида турган буюк мақсад ва марраларга эришишда Фанлар академияси ва барча олимларимиз ўз муносиб ҳиссасини қўшади, деб ишонч билдираман.

Мана шу улғувор ишларни амалга оширишда барчангизга сийҳат-саломатлик, янги илмий ва ижодий зафарлар ёр бўлишини тилайман.

Ислом ҚАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИНИНГ 60 ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН БИР ГУРУҲ ХОДИМЛАРИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимиз илм-фани ривожига йўлидаги катта хизмати, халқимиз маънавияти ва маданиятини юксалтириш ишига қўшаётган улкан ҳиссаси, юқори малакали илмий ходимларни тайёрлаш борасидаги кўп йиллик фидокорона меҳнатини эътиборга олиб ҳамда жамоат ишларидаги фаол иштироки учун қуйидагиларга фахрий унвонлар берилсин:

“Ўзбекистон Республикаси фан арбоби”

Беглов Борис Михайлович — Умумий ва ноорганик кимё институти етакчи илмий ходими, академик

Ешанов Турсунбой — Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Қорақалпоғистон бўлими раиси, академик

Мирзаев Тўра — Фанлар академияси вице-президенти вафасини бажаруви, Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институти директори

Республикамизнинг иктисодий ва маънавий юксалишига қўшаётган беқиёс ҳиссаси, кўп йиллик самарали илмий-ижодий фаолияти, юқори малакали илмий кадрларни тайёрлаш, бой маънавий меросимизни ўрганиш, уни халқро жамоатчилик ўртасида кенг ёйиш, миллиятлараро дўстлик ва тотувликни мустақамлаш борасидаги хизмати ҳамда жамоат ишларидаги фаол қатнашгани учун қуйидагиларга мукофотлансин:

“Буюк хизматлари учун” ордени билан

Қўшонов Матқўб — Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институти етакчи илмий ходими, академик

Мусаев Жўра Азимбоевич — Генетика ва ўсимликлар экспериментал биологияси институти лаборатория мудири, академик

Тўрақуллов Ёлқин Холмаевич — Фанлар академияси Биокимё институти лаборатория мудири, академик

“Эл-юрт хурмати” ордени билан

Қамолов Собир — Фанлар академияси Қорақалпоғистон бўлими маслаҳатчиси, академик

Қаюмов Азизхон — Алишер Навоий номидаги Адабиёт давлат музейи етакчи илмий ходими, академик

“Меҳнат шухрати” ордени билан

Абдуллаев Абдувалон — Генетика ва ўсимликлар экспериментал биологияси институти лаборатория мудири, академик

Абдуллаев Жўра Абдуллаевич — Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг Фан-техника ва маркетинг тадқиқотлари маркази илмий маслаҳатчиси, академик

Абдуллаҳужаева Малика — Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Республика патологик анатомия маркази директори, академик

Авезов Раббонакул — С.Азимов номидаги “Физика-Кўёш” илмий ишлаб-чиқариш бирлашмаси Физика-техника институти лаборатория мудири

Орипов Тоҳир Фотиҳович — Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси вице-президенти, академик

Аюпов Шавкат Абдуллаевич — Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги маркази, академик

Глушченкова Анна Ивановна — С.Азимов номидаги Ўсимлик моддалари кимёси институти лаборатория мудири, академик

Исомиддинов Мухаммад Хасанович — Я.Фулломо номидаги Археология институти етакчи илмий ходими

Исломов Ўткир — Я.Фулломо номидаги Археология институти бўлим бошлиғи, академик

Лутфуллаев Саъдулла Лутфуллаевич — Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси вице-президенти вафасини бажаруви, С. Азимов номидаги “Физика-Кўёш” илмий ишлаб-чиқариш бирлашмаси бош директори

Мавлоний Машхура Эгамовна — Микробиология институти лаборатория мудири, академик

Мўминов Толиб Мусаевич — Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети Амалий физика институти директори, академик

Ражабов Тельман Дадаевич — Тошкент ахборот технологиялари университети кафедра мудири, академик

Расулов Ўткир Хасанович — У.Орипов номидаги Электроника институти директори, академик

Ртвеладзе Эдвард Васильевич — Санъатшунослик илмий-тадқиқот институти бўлим мудири, академик

Салоҳитдинов Маҳмуд — Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети профессори, академик

Убайдуллаева Раъно Аҳатовна — “Иқтисодий фикр” жамоатчилик маркази директори, Иқтисодиёт институти бўлим мудири, академик

Хайруллаев Музаффар Мухитдинович — Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти директори, академик

Хасанов Маҳмуджон — Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти қўлэмалар фонди бошлиғи

Хотамов Нариман Тожиевич — “Фан” нашриёти директори

Хожаниязов Гайратдин — Фанлар академияси Қорақалпоғистон бўлимининг Тарих, археология ва этнография институти археология бўлими мудири

II даражали “Соғлом авлод учун” ордени билан

Аҳмеджўраева Ҳафиза Саъдиевна — С.Азимов номидаги Ўсимлик моддалари кимёси институти етакчи илмий ходими

“Дўстлик” ордени билан

Буржков Юрий Фёдорович — Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети профессори, академик

Қазақов Ибрагим — Зоология институти лаборатория мудири

Лордкипанидзе Лора Николаевна — ҲАБДуллоев номидаги Геология ва геофизика институти етакчи илмий ходими

Минасанц Ваген Сосович — Ўзбекистон тарихи давлат музейининг катта илмий ходими

Пиримкулова Васила Ағзамовна — Фанлар академиясининг халқро илмий ҳамкорлик ва таъки инвестицияларни жалб қилиш бўлими вице-президенти хизмати раҳбари

Файзуллоев Омонулло — Фалсафа ва ҳуқуқ институти етакчи илмий ходими

Филонович Маргарита Ивановна — Я.Фулломо номидаги Археология институти катта илмий ходими

Штогда Нина Ивановна — “Ботаника” илмий ишлаб-чиқариш маркази лаборатория мудири

Илм-фан соҳасидаги кўп йиллик самарали меҳнати, илмий янгиликларини яратиш ва амалиётга жорий этиш борасидаги хизматларини инобатга олиб қуйидагиларга фахрий унвонлар берилсин:

(Давоми 2-бетда)

Ўзбекистон Республикаси

Вазирлар Маҳкамасининг

ҚАРОРИ

2003 йил 27 декабрь

шанба - дам олиш

кўнини 2004 йил

2 январь жума кўнига

кўчириш тўғрисида

Янги йил байрами муносабати билан ҳамда меҳнатқашларнинг дам олиши учун кулай шарт-шароитлар яратиш ва ш вақтдан оқилона фойдаланиш мақсадида

Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

2003 йил 27 декабрь

шанба - дам олиш кўни

2004 йил 2 январь жума кўнига

кўчирилсин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси

И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,

2003 йил 22 декабрь

ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ - 60 ЁШДА

Ҳар қандай давлатнинг куч-қудрати кўп жihatдан унинг фан-техникаси, илмий салоҳияти қай даражада ривожланганига ҳам боғлиқ. Жаҳонга Аҳмад Фарғоний, Ал-Хоразмий, Абу Райҳон Беруний, Ибн Сино, Имом Бухорий, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий каби буюк алломуларни берган заманимиз башариёт тараққиётини ўзига хос тўғри тутади.

Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида иқтисоднинг илк йилларида ноқ мамлакатимиз илм-фанини ривожлантириш иқтисодий-ижтимоий тараққиётнинг устувор йўналишларидан бирига айланди. Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг 60 йиллигини нишонлаш тўғрисида”ги қарори ана шу эътиборнинг яна бир янги далили бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясида маъмур сана муносабати билан тантанали йиғилиш бўлиб ўтди. Уни Фанлар академияси президенти, академик Б.Йўлдошев очди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Фанлар академиясининг аъзоларига, барча илмий ходимларига табригини Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Х.Султонов ўқиб эшиттирди.

Мустақиллик йилларида юртимизнинг илмий-техникавий салоҳияти юксалди. Мамлакатимизда замонавий таълим-тарбия тизимининг шаклланиши Фанлар академияси ва унинг илмий-тадқиқот муассасалари фаолияти билан ҳам узвий боғлиқ. Академиянинг илмий-тадқиқот институти миллий ва халқро грантлар асосида фаннинг ривожланган йўналишлари бўйича ишлар олиб бормоқда. Натияжада илм-фан соҳасида катта ютуқларга эришилди.

Табиий фанлар соҳаларида эришилган илмий натижалар мамлакатимиз иқтисодий тараққиётини муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда. Ижтимоий-гуманитар фанлар йўналишида фаолият кўрсатаётган олимларимиз эса кўнча

асосан Фанлар академиясининг 60 йиллиги муносабати билан Ватанимизнинг фахрий унвонлари, орден ва медаллари билан тақдирланди. Уларга юксак мукофотларни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Раиси Э.Халилов топширди.

Анжуманда сўзга чиққан Россиянинг Яворий тадқиқотлар бирлашган институти директори В.Кадиевский, Польша Фанлар академияси вице-президенти С.Януш, Япониядаги “Ипак йўли” халқро академияси директори К.Като ва бошқалар нафақат мамлакатимиз, балки жаҳон илм-фани ривожига ҳисса қўшаётган олимларимизни бугунги байрам билан қутлади, янгидан-янги илмий кашфиётлар қилишда омад тилади.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчилари А.Абдувоҳитов, З.Хундидинов, Бош вазир ўринбосари А.Азизжўраев иштирок этди.

Нозоқат УСМОНОВА, Ўза муҳбири.

ҚОР ЁҒДИ, ИЗЛАР БОСИЛДИМИ?

Ғапнинг очиги, пилла, пиллачи, пиллачилик билан боғлиқ муаммолар газетамиз саҳифаларида кўп ёрилган. Мутасадди раҳбарлар мавжуд муаммоларни бартараф этиш юзасидан қўриладиган чора-тадбирлар ҳақида жавоб хатлари ҳам йўллаган.

Бирок... Хали-хануз бу соҳадаги камчиликлар Наманган вилоятида ўз ечимини тўла-тўқис топмаётди. Пиллачи меҳнатига яраша манфаатдор бўлаётгани ҳам йўқ. Бир кило хом пилла 750 сўмдан олинаётганлиги қозғоларда қайд этилса, ана шу пилнинг озгина қисми, у ҳам пул эмас, латта-кечак ким олмайдиган тарзида пиллакорга тегапти. Шунинг ҳам ёлтириб беролмаётган ҳўжалик ва туманлар талайгина.

“Ўзбек ипаги” уюшмасига қарашли пиллачилик корхоналарининг аксарияти 30-40 фойизлик қувват билан ишлаётти. Ишлаб чиқарилаётган ипак, атлас каби махсулотларнинг бир қисми харидор йўқлиги оқибатида пиллачиларнинг ўзига натура ҳолида қайтариб берилляпти.

Худди шу ва шунга ўхшаш муаммолар тўпланиб қолганлиги боис республика Вазирлар Маҳкамаси 2003 йилнинг 9 сентябрида “Пиллачилик соҳаси корхоналарининг молиявий фаолиятини барқарорлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” қарор қабул қилган эди.

“Ўзбек ипаги” уюшмасининг қишлоқ аҳолиси — пилла етиштирувчилар олдида қарздор эканлиги тоқат қилиб бўлмайдиган муаммо бўлиб қолмоқда” дейилади қарорда. Қарорда шунингдек, уюшмага республика Молия ва Иқтисодиёт вазирликлари, тижорат банклари билан биргаликда “2003 йил ҳосилдани етказиб берилган пилла учун қишлоқ ҳўжалик корхоналари олдидаги қарзлар 2003 йилнинг 1 декабрига қайтарилишини таъминлаш вазифаси қўйилган эди”.

(Давоми 3-бетда)

ЖАРАЁН

“Навоийазот” республикамиздаги йирик саноат корхоналаридан бири ҳисобланади. Нуфузи ҳам ўзига яраша.

Хўш, бу маконнинг экологик ҳолати қай аҳволда? Ишлаб чиқарилаётган минерал ўғитлар экспорти қандай? У мамлакат ички эҳтиёжини қондира олаётими? Корхонада бўлганимизда мана шу масала билан қизиқдик.

“Навоийазот”да

ТОЗА ҲАЁТ

“Навоийазот”да экологияга алоҳида эътибор берилляпти. Яъни ишлаб чиқариш худудини ва унинг атрофини кўк-ламзорлаштиришга қўнандуриб эътибор қўйиляпти, — дейди корхона табиатни муҳофаза қилиш бўлими бошлиғи Лидия Тимофеева.

(Давоми 2-бетда)

Сиз «ҚИШЛОҚ ҲАЁТИ» газетасига 2004 йил учун обуна бўлдингизми?

Газетанинг нашр қўрсаткичи - 144

ТААССУФ

Арнасой тумани Жиззах вилоятининг шимолида жойлашган. Бир томони Арнасой қўлига, иккинчи томони эса қўриқ ерларга туташиб кетган. Худуд ерлари қумлоқ ва бўз тупроқли бўлиб, сув бўлса ҳар қандай экин ўсверлади.

...Бир пайтлар бу ерларда беҳисоб дарахтзорлар

ТАБИАТ КЎКСИГА УРИЛГАН ТИГ

бўларди. Бугунга келиб оғир-оғир ва етмишчи йилларнинг бошларида экинлар дароҳларнинг бир қисми қароқўриқ оқибатида қўриб қолмоқда. Бир қисми эса “қўриқ қолди” баҳонасида аёвсиз кесилиб, айрим-айрим уйдабронларнинг чўнтагини қаппайида бошлади.

(Давоми 2-бетда)

ТОРГА ТОР ДУНЁ...

—Агар мен бу дунёда тирик турсам, сенинг қизларингни эр олмайди. Кўёв излаб овора бўлма, сен бу дунёдан қўёв кўрмай ўтсан. Уйингда ҳеч қачон тўй бўлмайди.

Меҳрихон дарвозасидан худди уни ютиб юборгудай ва-жоҳат билан кириб келаётган, оғизларидан қўриқ сачратиб бақираётган Фазилатни кўрди-ю, турган жойида қотиб қолди. Қишлоқдошлари Қулбиби деб атагудай Фазилатдан ҳар қандай ёмонликни қўйиш мумкин. Ўз синглисини қишлоқда бузуқ деб жорья қилган бу аёлга унинг қизларининг тақдирини ҳеч нарса эмас. Қулбиби шу пайтгача кимга ўчақисин, ушани ер билан яқсон қилган. Асли оти Фазилат бўлса, ёшлигида қўлхоналарда ўйнашни хўш кўрганлиги боис, онаси ҳам унга қўйган исминини унутиб, Қулбиби деб чақира бошлаган экан.

—Ойнингнинг ўйлигма сураганимизда беомангансан. Мендан ошиб кетган жўйинг борми? Узинг бир бева, камбағал бўлсанг. Ниманга катта кетади шу қизинг?

—Менинг болаларимнинг кўнгли ярим, опа. Уларнинг хо-ҳишига қарши бормайман. Қизим кўнмаган бўлса, нима қилай ахир? Ўғлингизни уйлантирмаган десангиз, қишлоқда қиз кўп-ку. Ўғли йўқ деб, энди ҳўрлимга ҳам эгаллик қилмоқчимисиз? Худодан қўриқинг.

Фазилат унга ялғ эътиб қаради-ю, юзлари қизарди. Наҳот, бу аёл унинг асл мударасидан боқабар. Бу ҳақда у сирдош дўнасига айтган эди. У бутун қишлоққа ёйиб қарганга ўшайди. Қулбиби оғиз бўш дўнасинини ичида қарғай-қарғай жўнаб кетди. Аммо қабих ниятидан қайтмади.

Меҳрихон қўншини кетгач, останада ўтириб йиғляди. Наҳот, шунча чеккан аъзолари кам бўлса. Яна қандай савдолар бор экан бу шўр бошида?

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИНИНГ 60 ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН БИР ГУРУХ ХОДИМЛАРИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

(Боши 1-бетда)
Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ихтирочи ва рационализатор
Бахромова Сайдулла Абдуллаевич — "Академасбоб" илмий ишлаб-чиқариш бирлашмаси бош директори
Тўраев Аббосхон Солимович — О.Содиқов номидаги Биорганик кимё институти директор ўринбосари
Халқимиз илмий салоҳиятини юксалтириш ва малакали илмий кадрларни тайёрлаш борасидаги кўп йиллик меҳнатлари учун қуйидагилар мукофотланган:
"Шухрат" медал билан
Азимов Бахтиёр Магруппович — "Замонавий информатсион технологиялар" маркази ҳошидаги Кибернетика институты лаборатория мудири
Алиев Абдурашид — У.Орипов номидаги Электроника институты лаборатория мудири
Беспалова Надежда Николаевна — М.Урозов номидаги Механика ва ишқотлар сейсмик мустаҳкамлиги институты етакчи муҳандиси
Ғулова Дилбар Жўраева — С.Азимов номидаги

Бозор ислохотларининг хозирги босқич талабларига мувофиқ иқтисодиётни бошқаришни янада эркинлаштириш, маъмурий ислохотларни чуқурлаштириш, корпоратив бошқаруви меъёр ва тамойилларини кенг жорий этиш, ҳўжалик бирлашмаларини унификацияш ва улар фаолиятини ташқил қилиш самарадорлигини ошириш мақсадида:
1. Белгилаб қўйилсинки, кўйидаги асосий ташкилий-ҳўкукий шакллarda ташқил этиладиган ҳўжалик бирлашмалари ҳўжалик бошқаруви органлари ҳисобланади: таркибига кирувчи корхоналарнинг ҳўжалик бирлашмасига тегишли бўлган акция пакетлари орқали ана шу корхоналарнинг ҳўжалик бошқаруви амалга оширувчи акциядорлик компаниялари, шу жумладан давлат-акциядорлик компаниялари;
муассис-корхоналар томонидан улар фаолиятига қўмақлаш учун муассис-корхоналарнинг акциялари пакетларини бошқариш ҳўкуқисиз айрим умумий вазифаларни уларга топшириш йўли билан ихтиёрийлик асосида ташқил қилинадиган уюшмалар.
2. Ҳўжалик бирлашмаларининг асосий вазифалари ва функциялари қуйидагилардан иборат деб ҳисоблансин: тармок ва иқтисодиёт соҳаларини барқарор ривожлантиришнинг истиқболли стратегиясини белгилаш; маркетинг тадқиқотларини ташқил этиш, ички ва ташқи бозорlarda рақобатбардош махсулотларнинг янги турларини ишлаб чиқаришни (ишлаш, узилматларни) ўзлаштириш, хизматларни бозорларга кириб боришига қўмақлаш; корхоналарни модернизация қилиш ва технологик жиҳатдан қайта қуролантириш, ушбу мақсадларга хорижий инвестицияларни кенг жалб қилишда ёрдам бериш; улар таркибига кирувчи корхоналар ва ташкилотларга ахборот хизматлари кўрсатиш; кадрлар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишни ташқил қилиш.
3. Белгилансинки, давлат бошқаруви, шу жумладан тақсимлаш вазифалари, шунингдек уларнинг таркибига кирувчи корхоналар фаолиятига маъмурий ариалашуш ҳўжалик бошқаруви органларининг вазифалари кирмайди.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 20 июндаги Ф-1791-сон Фармойиши билан тузилган маъмурий ислохотни чуқурлаштириш ва иқтисодиётни бошқариш тузилмасини такомиллаштиришга оид тақлифларни тайёрлаш бўйича Республика комиссиясининг қуйидагилар тўғрисидаги тақлифлари қабул қилинсин:
а) Ўзбекистон машинасозлик корхоналари уюшмаси "Ўзмашинасоз" ни; "Ўзбекқозғосаноат" уюшмасини;
Ўзбекистон давлат транспорт қурилиши корхоналари уюшмаси "Ўзбектранскорилит" ни;
Ўзбекистон Республикаси Қизилқум нодир металлургия олтун давлат концерни "Қизилқумнодирметаллолит" ни;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ф А Р М О Н И Ҳўжалик бошқарув органлари тизимини такомиллаштириш тўғрисида

"Махсусқотишма" республика ташкилотини;
Функцияларини "Ўзбек ипаги" уюшмасига топширган ҳолда "Шойи" акциядорлик компаниясини;
Функцияларини "Ўзбек ипаги" уюшмасига топширган ҳолда "Пилла холдинг" компаниясини тугатиш;
б) Ё-мўй ва тамаки санати корхоналари "Ёғмойтмақисаноат" уюшмаси ҳамда қандолатчилик, чой ва пиво-алкоголиз ичкилик санати корхоналари "Ўзбекқозғосаноат" уюшмаси негизда Ё-мўй ва озиқ-овқат санати уюшмасини ташқил қилиш;
в) Ўзбекистон автомобилсозлик корхоналари уюшмасини "Ўзавтосаноат" акциядорлик компаниясини;
"Ўзодмаксулот" давлат-акциядорлик корпорациясини "Ўзодмаксулот" акциядорлик компаниясини;
Тошкент шаҳар йўловчилар ташқи транспорт корхоналари давлат уюшмасини "Тошшаҳарйўловчилар" акциядорлик компаниясини;
"Ўзгросервис" уюшмасини "Ўзгросервис" акциядорлик компаниясини;
"Дори-дармон" давлат-акциядорлик уюшмасини "Дори-дармон" акциядорлик компаниясини;
Ўзбекистон фармацевтика санати давлат-акциядорлик концернини "Ўзфармасаноат" уюшмаси этиб;

содийтқи арқинлаштириш ва ислох қилишининг хозирги босқич талабларига, ушбу Фармон қондаларига мувофиқ уч ой муддатда ўзларининг бошқарув ташқилли тузилмаларини қайта қўриб чиқинлар ҳамда уларни белгиланган тартибда тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига тақдим этишлар, шунингдек ўз Низомида тегишли ўзгаришлар киритсинлар.
7. Маъмурий ислохотни чуқурлаштириш ва иқтисодиётни бошқариш тузилмасини такомиллаштиришга оид тақлифларни тайёрлаш бўйича Республика комиссияси Ўзбекистон Республикаси Давлат мўлки қўмитаси билан биргала ҳўжалик бирлашмаларининг устав жағғарларидаги давлат улўшини қисқартириш бўйича аниқ тақлифларни ишлаб чиқин ҳамда уларни акциядорлик компаниясини бошқаруви ташқилли тузилмаларини такомиллаштириш тўғрисидаги қарор лойиҳаларини билан бир вақтда Вазирлар Маҳкамасига киритсин.
8. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси амалдаги қўничилик маъмур Фармондан келиб чиқадиган қўшимча ва ўзгаришлар тайёрлашни ҳамда белгиланган тартибда киритилишини таъминласин.
9. Ушбу Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазир Ш.Мирзиёев ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Т.Худойбергенов зиммаларига қўйилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.КАРИМОВ
Тошкент шаҳри, 2003 йил 22 декабр

"НАВОИЙАЗОТ"ДА ТОЗА ҲАЁТ

(Боши 1-бетда)
- Саноати жойлашган 717 гектар худудининг қирқ фоизи қўламзорлаштирилган десам хато бўлмайти. Бирлашма хар йили кўчат тарқатувчи ташқиллотлардан камидда 3,5 минг донадан ошиқ турли-туман ниҳол сотиб олади. Саноат худудидан ташқари санитария худуди ҳам бўлиб, бундай майдонлар 600 гектардан ошиқдир. У жойларда ўрмонни эслатувчи дарахтзорлар ташқил этилган. Бу ҳолат корхонадан чиқадиган ноҳуш газларни зарарсизлантириб, кислород миқдорини кўпайтиради. Бунинг учун махсус ободонлаштириш цехи хизматидан фойдаланилади.
Саноат худудиди битта завод, 6 та ишлаб чиқариш корхонаси, 37 та асосий, 44 та ёрдамчи цех бўлиб, уларда техника янгиланишларига қандай эътибор берилаётгани билан ҳам қизиқдик.
Корхонада айникса, газ чиқиндилари, оқава сувларни тозалаш ва қамайтириш, улардан янги-янги махсулотлар ишлаб чиқаришга катта эътибор қаратиб келинмокда.
-Сўнги ўн икки йил ичиди, - дейди технолог, корхона фахрийси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган саноат ходими Раҳмат Амонов, - Ишлаб чиқариш чиқиндиларидан жами 26 турдаги янги кимёвий махсулот олинмокда. Бу биринчидан, шаҳар экологиясини яхшилади ва иккинчидан қўшимча даромад манбаи бўлди.
-Даромад манбаи дейсизми? - хайрон бўлиб сўрадик.
-Ха, албатта-да, - дейди сўхбатдошимиз, - олинган даромад хар йили 1,2 миллиард сумдан ошади. Масалан, ҳавонии суоқлантириш жараёнида унга (ҳавога) чиқариб ташланадиган ичиди аргон элементни бўлган ҳаво газлари юборилади. Эндиликда бундан аргон ажратиб олиниб, мамлакатимизнинг барча шаҳар ва вилоятларига жўнатилмокда. Бу махсулот юқори сифатли инерт газдир.
Корхонада дастлабки кундан бери фаолият кўрсатиб келаётган Раҳмат Амонов экология соҳасида ибратли масалаларга эътиборни қаратди.
-Олайлик, органик бирикмалар ишлаб чиқариш цехида суоқ органик бирикма чиқинди сифатида ёндириб юборилади. Эндиликда бу суоқ газдан ацетон ишлаб чиқарила бошланди. Мана сизга омиликорликнинг натижаси. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин.
Яна бир ҳолат, ишдан чиққан симбол билан ишлабди ган лампаларни қайта ишлаш (демеркуризация) тадбири мавжуд. Хозир бу борада қурилиш лойиҳаси тайёр. Келгусида у асбоб-ускуналар билан мужассам-


ЗАРУРИЙ ДАСТУР

Истиқлол йилларида тиббиёт соҳасида ҳам анчагина ишлар амалга оширилди. Бу соҳада махсус дастурлар қабул қилинмокда.
-Айникса, "Саломатлик" дастурининг қабул қилиниши, - дейди Навоий вилояти соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлигининг ўринбосари, вилоят "Саломатлик" дастурини ҳаётга тадбиқ этиш бюросининг директори Қудус Абдуқадиров, - жуда катта имкониятлар дўниси очиб берди.
Ҳўш, улар нималардан иборат? Сўхбатдошимиз бу мавзуда кенгрок тўхталиб ўтишга интилади.
-Жаҳон соғлиқни сақлаш ташқилоти мутахассислари, мамлакатимиз ва вилоят-

лардаги шу соҳага маъсўл ходимлар иштирокида дастур ишлаб чиқарилиб, унга Навоий, Сирдарё, Фарғона вилоятлари киритилди, - дейди у.
-Дастурнинг бажарилишига кетадиган маблағ миқдори етмиш миллион рақиб рат. Уни Жаҳон табиқоти ва Ўзбекистон ҳўкумати ажратадиган бўлди.
Шу тарика "Саломатлик" дастури ҳаётга кириб келди. Қишлоқ жойлардаги аҳолига тиббий хизматни янада яхшилаш бугуннинг, эртанинг долзарб вазифасига айланди. Дастур асосида вилоятда хозиргача 96 та янги қишлоқ врачлик пунктла-

РЕСПУБЛИКА КОМИССИЯСИ ЙИГИЛИШИ

Тошкент вилояти (ЎА муҳбири Неймат Душаев).
"Ўзметкомбинат" акциядорлик ишлаб чиқариш бирлашмаси жамоаси йилни муваффақиятли ақунламокда. Бу ерда ўтган ўн бир ой мобайнида 441,9 минг тонна пўлат эритилди. Истеъмолчиларга 418 минг тонна металл прокати етказиб берилди. Экспорт ҳажми эса салкам икки бараварга ошди. Хорижий буюртмачиларга жўнатилган махсулотнинг умумий қиймати 39,1 миллион АҚШ долларидан ошди.
Қора ва рангли металл парчалари ҳамда чиқиндиларини тайёрлаш, қайта ишлашга топширишни назорат қилиш ва мувофиқлаштириш бўйича республика комиссиясининг Бекободда бўлиб ўтган навбатдаги йиғилишида металлургия кўлга киритаётган ана шундай утуқлар алоҳида қайд этилди. Корхонани иккиламчи хомашё билан таъминлашнинг ноябрь ойи ақунлари кўриб чиқилди. Унда вазирликлар, идоралар, уюшмалар, худудий бошқарув органлари, иккиламчи металл хомашёни йиғиш ва топшириш билан шуғулланувчи бошқа ташқилотлар раҳбарлари иштирок этди.
Йиғилиши Ўзбекистон Президентининг Давлат маслаҳатчиси И.Жўрабеков бошқарди.
Ноябрь ойида хомашё тўплаш ва қайта ишлашга топшириш борасида ижобий натижаларга эришилди. Қорақалпоғистон Республикаси, Жиззах, Навоий, Бухоро, Хоразм вилоятларидан ташқари, барча худудларда ҳўкумат топшириги орғиға билан адо этилди. Айни пайтда хомашё сифати яхшилашни бормоқда, уни етказиб бериш харажатлари сезиларли қамайтирилди. Бу эса корхонада ишни бир маромда ташқил этиш, махсулотлар ҳажминини ва моддий манфаатдорликни ошириш имконини берапти.
Йиғилишда корхонага хомашё етказиб бериш йиллик режа-топширигини бажариш, бу борада келгуси йилда амалга ошириладиган долзарб вазифалар қатъий белгилаб олинди.



Хар бир касбнинг ўз машаққати ва завқи бўлади, дейди Корасув шаҳридаги телекоммуникация боғламаси коммутатори Махфаридун Исоқова. - Мен мана шу соҳада 19 йилдан буйи ишламан. Бир қарашда коммутаторлик нисбатан осон ишдек кўриниши мумкин. Аммо бу ҳам ўзига яраша маҳорат, билим ва муҳими, бедорликни талаб этади. СУРАТДА: М.Исоқова иш пайтида. Х.АРАББОВ олган сурат.

ТАБИАТ КЎКСИГА УРИЛГАН ТИҒ

(Боши 1-бетда)
Ўсиб турган дарахтларга арра тартаётганларнинг мушугини "пишт" дейдиган кишининг ўқлиғи эса кишини ажаблантиради.
Арносайда фалон ҳўжаликда дарахт кесилаятган эмиш, пистон бўлаётган эмиш, каби гап-сузлари эшитиб, Жиззах вилоят Табиати мўхофазаси қўмитасининг "Усимлик ва ҳайвонот дўниси мўхофазаси қўмитаси" инспекциясининг катта назоратчиси Руслан Узоқов ва Исроиил Бойматовлар билан йўлга тушдик. Бир томонни кўм тепалиқларга тўташиб кетган "Буюк Турон" фермер ҳўжалиғига қарашли ихота дарахтзорларига бориб, очиги, барчамиз ёқа ушлаб қолдик. Кечагина кўкка буй чўзиб, пайкалга виқор бағишлаб турган дарахтзорлар ўрнида тўнкалар қолибди. Давлат назоратчилари дархол текширув ишларини бошладилар. Бир неча муддатдан кейин пайкал четига эскигина "Москвич" келиб, ундан салобатли киши тушди. Билоқ, бу одам туманининг "Қозғистон" ҳўжалиғида яшовчи Нормурод Эргашев экан.
Н.Эргашев биз билан сўхбатлашадан бош торди. Унинг гап-сузига қараганда, шу ерда сайр қилишга келиб қолибди. "Буюк Турон" фермер ҳўжалиғи туманининг "Фарғона" агрохизмат марказига қарашли бўлиб, Н.Эргашевнинг бу ерга келиб сайр қилиши эса ажаблантириш хол. Кейинчалик аниқланишича, айнан шу ерда туман ҳўкимининг биринчи ўринбосари Миролми Абдурахмонов Н.Эргашевнинг бензин билан ишлайдиган арасини олиб қўйган экан.
Бу орада давлат назоратчилари кесилган дарахтларнинг тўнкаларини санаб чиқтирдик. Н.Эргашев сайр баҳонасида нақ 87 туп дарахтни худди ўзи экиб қўйгандек кесиб таш-

ди. Давлат назоратчилари иш билан машғул бўлиб турган пайтда Н.Эргашев жўнаворибди.
Туман прокуратурасида кесилган дарахтлар тўфайли давлатга етказилган зарар ҳисоблаб чиқилди. "Буюк Турон" фермер ҳўжалиғи бошлиғи Раҳматулло Кўчқоров Н.Эргашев билан тил бириктириб, давлатга 4275296 сўмлик зарар етказилгани аниқланди.
Унқир-чўнқир йўлдан "Нива" секин илгарилари бормоқда. Бу йўл туманининг Б.Файзиев номи агрохизматнинг ички йўллари. Тўсатдан ол-

ердаги зарар ҳам салмокчи - 1083332 сўм!
Дарахтга арра торган "табиат қотили" ҳам топилди. Жиззах туманидаги Хамид Олимжон номи жамоа ҳўжалиғида яшовчи Абдусалом исми киши экан. Шохидларнинг айтишича, Абдусалом узлуқсиз равишда дарахт кесиб билан шуғулланармиш. Ажабо! Наҳотки, туман мутасаддилари, ҳўжалик раҳбарлари, қишлоқ фуқаролар йиғини расларини бунини сезишмаган бўлса? Ички ишлар бўлимининг қилини қирқ ёрадиган ходимлари-чи, улар ҳам бу тўймади-да!
Фермер билан тил бириктирган Абдусалом бу ерда давлатга 3872336 сўмлик зарар етказишга улғурибди.
Арносайдан қайтар эканмиш, Абдусаломнинг яна бир ҳаптовоғи, очигориги қўллаб-қувватлаб турадиган "танкасиз борлиғини эшитдик. Унинг исми Олим экан. Пахтакор шаҳрида тахта тиладиган цех ташқил этганимиш. Абдусалом ўша Олим учун ишлармиш. Эртасига миш-мишларнинг нечоғли тўғри эканлиғини аниқлаш учун Пахтакорга йўл олдик. Миш-мишларда жон бор экан. Олимга қарашли тахта тилиш цехи худудиди юз кубометрдан зиёд Арносий туманидан келтирилиб, уюб қўйилган ёғочларни кўрдик. Афсуски, излаган одамимиз бу ерда йўқ экан. Коровул Қувондик Умаров Олим деганини танишини, у Жиззах шаҳрида яшашини, лекин айнан қаерда истикомат қилишини билмаслиғини айтди.
Олимни топиш ниятида Жиззах шаҳрига қарашли Хамзабод маҳалласи фуқаролар йиғинига бордик. Раис Турсунбой Тошхўжаев Олим деган шахсни танишини, қудасийнинг ўғли бўлишини айтди. Ниҳоят, ўша сирли Олимнинг фамилиясини ҳам билди олдик. Усмонов экан. Хурсанд бўлиб турганимишда раис ҳафсаламизни пир қилди. Олим хозир Тошкентда экан. Тахталарни пуллашга бефарқ қараб келишган бўлса? Ноҳўшлик билан тугаган сўхбатимиз асносида яна бир фактнинг гувоҳи бўлдик. Олимни Пахтакорда, Жиззахда қиллардик қўллаб туртишар экан, шунинг учун назоратчиларнинг қучи етмас экан.
Нима ҳам дердик, майли, қўллаб-вертишимиз. Биз қўрган ва гувоҳ бўлганларимизни қозғога туширдик. Агар аҳвол шундай давом этаверса, Арносий қўриқга қўрқ қўшиб турган дарахтлар барҳам тоғиб, бугунги авлоддан келажакка доғ қўлиши мумкин.
Аслида янғисини яратиб, эскисини асраш лозим эмасмикин?
Толибхон ЭРГАШЕВ, журналист.
Тахририятдан: Бу ҳақда мута-саддилардан жавоб кутиб қоламиз.



Н.Эргашев биз билан сўхбатлашадан бош торди. Унинг гап-сузига қараганда, шу ерда сайр қилишга келиб қолибди. "Буюк Турон" фермер ҳўжалиғи туманининг "Фарғона" агрохизмат марказига қарашли бўлиб, Н.Эргашевнинг бу ерга келиб сайр қилиши эса ажаблантириш хол. Кейинчалик аниқланишича, айнан шу ерда туман ҳўкимининг биринчи ўринбосари Миролми Абдурахмонов Н.Эргашевнинг бензин билан ишлайдиган арасини олиб қўйган экан.

ҚОР ЁҒДИ, ИЗЛАР БОСИЛДИМИ?

(Боши 1-бетда)

Айтилган мuddат ҳам аллақачон ўтди.

Хўш, пиллачи топширган пилла-си пулини олдимиз?
-Хаммасини эмас, - дейди Чортоқ туманидаги Бобур номи ширкат хўжалиги раҳбари Исомиддин Худоев, - туман пилла корхонасида 2003 йил топширган пилламиз ҳисобидан ўн бир миллион 800 миң сўмдан ошқорқ ҳақимиз турибди.

Наманган вилоят пилла акционерлик бирлашмаси раиси Салоҳидин Гафуров имзо чекиб қилиб олинган пилла учун қўвал туманларига 1 миллиард 209 миллион 937,5 миң сўм пул берилди.

Савол туғилади. Қани ўша пул? Биз бўлган аксарият туман ва хўжалиқларда пиллачилар қўллари пул кўрмаётганидан, меҳнатларига яраша манфаатдор бўлмаётганликларидан ёзғириб гапирганидан, Сўнгги бир йил ичида вилоят хўжалиқ сўдида пиллачилик, бу соҳадagi қарздорлик, қарзни ундириш билан боғлиқ масала бир неча бор кўриб чиқилиб, пилла етиштирувчилар фойдасига қарорлар чиқарилди. Аҳвол эса ўша-ўша.

Хўш, ўзи нима гап? Пилла сотилмайтими? Чиндан ҳам ўзбек иплагига, атласига харидор йўқми?

-2003 йилда 448 тонна куруқ холда пилла олдик, - дейди С.Гафуров, - шунинг 83 тоннасини "Буҳоро-хвасен" қўша корхонасига, 235 тоннасини Намангандаги "Атлас"га, Уйчи, Чортоқ ипачилик корхоналарига ва уруғ заводларига сотдик. Хўзирда 118 тонна қолдик пилламиз турибди. Тошкентдаги "Толга" фабрикасига 20 тонна пилла сотишга шартномаси бор. Яна харидорлар келяпти...

Масала моҳиятига етиш мақсадида вилоятнинг бир қатор пилладини қайта ишлаш корхоналарига бўлди.
-Корхонамизга шу йилнинг ўзида Жанубий Корейнинг Ай-Ди-Эм компаниясини пилла қўшиш автоматларидан 6 тасини ўрнатдик, - дейди "Атлас" ҳиссдорлик жамиятининг бош муҳандиси Абдулқўли Қаҳоров, - Бу дастгоҳлар эндиликда жаҳон стандарти талаблари даражасида маҳсулот ишлаш чикариши имконини беради. Айни пайтда бир йилда 150 тонна табиий ипак ишлаб чикариш имкониятига эга бўлди. Корхонамиз тўла қувватда ишлаши учун 711 тонна куруқ пилла керак бўлади. Амалда 280 тонна атрофида пилла оляпмиз. Бу қувват-

га нисбатан 35-40 фоизни ташкил қилади, холос. Шу 280 тонна пилладан 74 тонна ипак, 70 миң метр атрофида атлас ишлаб чикарамыз. Маҳсулотимизнинг бир қисмини туман пиллачилик идораларига олган пилла ҳақиға, бир қисмини эса Ай-Ди-Эм компанияси дастгоҳ ҳақиға беряпмиз. Экспортга маҳсулот со-толмайпмиз. Лекин, ҳаракатимиз йўқ эмас. Сентябр ойида Москвадаги Федерал ярмаркада қатнашдик. "Урал ипаги" акционерлик компаниясини ипагимизга харидор чикди. Хўзирда шу компанияга, яна Швейцарияга 100 килодан проба партиясини жўнатыпмиз.

Бош муҳандиснинг айтишича, 3,5 килограмм пилладан ўртача 1 килограмм ипак олинар экан. 1 метр тонналас ишлаб чикариш учун бор-йўғи 45-50 грамм атрофида ипак ишлатилиши, 1 метр атлас 2-2,5 миң сўмдан сотилаётганини назарга олсак, қишлоқдаги пилла хом ашёсини етказиб берувчи опа-син-гилларимиз меҳнати яна ҳам қадрланса мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Уйчидаги "Ипакчи" акционерлик жамияти корхонаси бир йил мобайнида 2002 йил августдан 2003 йил августга бор-йўғи 30 фоиз қувватда ишлатилди, холос.

Ўтган йили олган пилламиздан 50 тоннаси турибди. Шунинг учун бу йил бор-йўғи 56 тонна пилла олдик, - дейди корхона раҳбарининг биринчи ўринбосари Хамидуллага Маҳмудов, - бир кило пилладан ўтган 2002 йилда 2450 сўмдан олган бўлсак, бу йил 2800-3000 сўмдан оляпмиз. Аммо пилла хом ашёсини етказиб берувчиларга пул бериляпмиз. Ассосан, атлас, ипак билан ҳисоб-китоб қиляпмиз. Уйчи пиллачилик идорасидан 80 миллион сўм қарзимиз бор эди. Бу қарзнинг катта қисмини атлас, бўз, плён-ка билан уздик. Яна 35 миллион қарзимиз қолди. Ассосан маҳсулотларимизни ички бозорга сотаяпмиз.

Вазирлар Маҳкамасининг юқорида эслаб ўтган қарориди "Ўзбек ипаги" уюшмаси корхоналарини айланма маблағлар билан тўлдирди ва уларнинг қишлоқ хўжалиги корхоналари олдиди қарзларини ўз вақтида қайтариш учун истисно тариқасида 2003 йилдан бошлаб "Ўзбек ипаги" уюшмалари корхоналари ипак ипачининг бўш қолдиқларини ва ишлаб чикариляётган куруқ пилланинг 50 фоизга қисмини жаҳон даражасида мувофиқ бўлган нарҳларда экспортга, шу жумладан, товар-хўшга эса биржалари орқали эркин алмаштирилядиган валюта ва

миллий валютага сотишга рухсат берилган эди.

Мана, 2003 йил якунибди борапти.

Наманган пиллачилик корхоналарида бўлганимизда деярли ҳеч қайси корхона четга мўлжалдаги маҳсулотни сотишининг уддасидан чиқолмаётганига гувоҳ бўлдик. Тўғри, Намангандаги "Силк-Род" ўзбекистон қўша корхонаси чиқараётган газа ипак юз фоиз четга экспорт қиляпти. Аммо, бу корхонанинг асосий хом ашёси республикадаги пиллачилик корхоналарининг чикиндисиди бўлиб, унинг қишлоқдаги пиллачиларга унча таъсири йўқ. Лекин бу ерда ҳам пилла, пиллачи меҳнати билан боғлиқ, киши диққатини тортадиган рақамларга кўзимиз тушди. Корхона 1 килограмм пилла чикиндисини 1600 сўмдан харид қилиб, уни ипакка айлантириб экспортга жўнатыпти. Бирок... Не машаққат билан, кечани кеча, кундузини кундуз демая

пилла етиштирган пиллачи 1 кило тайёр пиллани қанчадан сотаяпти? Демак, бугун пилланнинг харид нарҳлари ҳақида ҳам жиддий ўйлаб қўришининг вақти келган, деб ўйлаймиз.

Яна бир ташвишли ҳолат, мавжуд тўтзорлар, дала четиди, ўртасидаги воғға етган туғлар қишда ўтин сифатида аёвсиз равишда кесиб юборилмоқда. Янги тўтзорлар, туғ плантациялари яратиш эса мутасадди-диларнинг ёдидан кўтарилляпти. "Туғ парвонаси" деган бало эса туғ бар-ғўға йил сайин офатдек ёпирилиб нобуд қиляпти.

Наманган вилоят "Пилла" акционерлик бирлашмасидан олинган маълумотларга қараганда ҳозир вилоятда 2484 гектар туғ плантациялари мавжуд. 2003 йил баҳориди қанча қийинчиликлар билан бор-йўғи 105 гектар янги плантация қилинди, холос.

Ваҳоланки, республика Вазирлар Маҳкамасининг биз тилга олган ўша

390-қарориди Қорақалпоғистон Республикасини Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимлирига "Мавжуд тўтзорлар сақлаб қолинишини, янги туғ дараклари экилишини таъминлаш" масъулияти оқлатилган эди.

Ҳақиқатнинг юзига тик қараб айтилганда, пилла, пиллачиликдаги ташвиш-муаммолар хар йили вилоят, тумандаги мутасадди раҳбарларнинг ёдига пилла мавсуми яқинлашганда тушади. Пилла териб топширилиши билан "қор ёғди, излар босилди" қабилида унутилади. Ваҳоланки, пилла, пиллачилик мавсумий иш бўлмастлиги керак. Биз ҳосил салмоғи ва сифатини ошириш, пиллакор меҳнатини, манфаатдорлигини яқшилаш, пиллачилик корхоналариди янги, замонавий технологияларни жорий этиш билан маҳсулотнинг кўп қисмини экспорт қилиш йўлидан боришимиз керак. Энг муҳими, пиллачи меҳнатига яраша берака топсин.

Ортиқали НОМОЗОВ, "Қишлоқ ҳаёти" муҳбири.

Маълумки, турмушимизда рўзгор учун хар қуни керак бўлядиган ёғға талаб катта. Зеро, мойсиз қозон қайнамас. Юртимизда қадим-қадимдан ўсимлик ёғи кунжут, зигир, масхар, полиз экинлари уруғидан, пахта чигитидан жувозларда ажратиб олинган. Хўзирги қунда мамлакатимизда ёғ ишлаб чикарадиган қўллаб корхоналар ишлаб турибди. Ана шундай жамоалардан бири "Наманганёғмай" ҳиссдорлик жамиятидир. Корхона вилоят аҳолисини ўсимлик ёғига бўлган эҳтиёжини қондириш ҳамда қорачиликни озуқа билан таъминлашга ўзининг муносиб ҳиссасини қўшиб келмоқда.

Вилоятдаги йирик ишлаб чикариш корхонасида бугунги кунда 475 нафардан кўпроқ ишчи-хизматчилар тер тўки-чилик, сифатли ва экологик жиҳатдан тоза ҳамда арзон ўсимлик ёғи ишлаб чикаришмоқда.

Корхона иқтисодчиси Марина Хоши-

ховатли ишларга кўпроқ қўл урмоқда. Вилоятдаги мактабларга, шифохоналарга, спорт мактабларига доимий ҳомишлик қилиб, қўмақ бериб келинмоқда.

-Корхонамизда бир литрлик сиғимда идишларга сифатли тозаланган пахта ёғи қадоқлаб, истеъмолчиларга етқа-

ЮКСАЛАЁТГАН САЛОҲИЯТ

мовадан олинган маълумотларга қўра, 2003 йилнинг 11 ойи давомида белги-ланган миқдорда тозаланган ўсимлик ёғи ҳамда хўжалик совуни ишлаб чикариди. Шунингдек, қорачиликни ривожлантириш учун қунжара ва шелуха ҳам ишлаб чикарилиб, истеъмолчиларга етказиб берилмоқда.

-Эришяётган ютуқларимизнинг асосий гарови, - дейди корхона бош муҳандиси Муроджон Раҳимов, - Ишчи ва хизматчиларга қўрсатилган эҳтиборда, деб биламан. Чўни хар қандай эҳтибор жавобсиз қолмайди. Корхонада ишловчилар учун барча шарт-шароитлар муҳайё этилган. Замонавий талаблар даражасида жиҳозланган сийхатқо, сифатли ва мазаали таомлар тайёрлядиган охсона, жаҳон андозаларига мос табиий ўсуналарга эга бўлган шифохона ишчилар жиҳазлари. Уларнинг фарзандлари ёғи табиатда сўлим ва хушманзарра масканларда жойлашган ором-гоҳларда дам олиб қайташади.

Бу ерда олиб бориляётган кенг қўламли қайта таъмирлаш ишлари хўзирда камроқ харажат билан сифатли маҳсулот оляшди самара бераётди. Эҳтиборга молик жиҳати шундаки, эндиликда анча эскирган, бир умунга ноқулай механизмларнинг янги, замонавий ва камхарж ўсуналар билан алмаштирилиши корхонанинг ишлаб чикариш салоҳиятини юқори босқичга қўйраётди.

Корхона аъзолари шу қўрсаткичлар билан чекланиб қолшяётганлари йўқ, албатта. Бу ерда айни пайтда ёрдამчи хўжалик фаолият қўрсатиб турибди. Хўжаликнинг 120 шох қорамол, 30 бош қўй-қўза ҳамда 3 гектар суви ёр майдон бор. Гўшт ҳамда ситирлардан соғиб олинаётган сўт ишчиларга бепул тарқатилмоқда.

Бундан ташқари ишчи-хизматчиларнинг ойлик маошларини ўз вақтида етказиб бериш, уларни ижтимоий жиҳозлаш масалаларини хар доим раҳбариятнинг диққат марказида туради. Шу билан биргаликда кам таъминланган ва кўп болали оилалар манфаатларини қўзлаган ҳолда 3 миллион 678 миң сўмдан зиёд моддий ёрдამ қўрсатилди.

Даромадга қараб буромда, деганларидек, корхона бойиб борган сари са-

ИНТИЛИШ

зиб бериляётди, - дейди заводнинг таъминот ва сотиш бўлими бошлиғи Қодиржон Эшонов. - Бу эса ўз навбатида маҳсулотларимизнинг харидорлигини ошираётди. Ва яна мақсадимиз, корхонамиз маҳсулотларини жаҳон бозориди ўз ўрни, мавқеига эга бўлишига ҳисса қўшишдан иборатдир.

Бу ерда узоқ йиллардан буён ҳалол ва сидқидилан ишлаб келяётган ишчилар қичқиликни ташкил қиляшади. Усомон Сидқиқов, Мутали Эшонов, Тоҳир Валиевлар ана шундай жонқурлардан ҳисобланяшади.

Корхонада амалга ошириляётган ибратли ва хайрли ишлар билан таниш жараёнида айрим миқозлар билан ҳам сўхбатлядик.

-Мен Поп туманидаги "Туппор" фермер хўжалигининг раҳбари Ҳакимжон Бозоров бўлман, - дея ўзини таништиради ўрта бўйли, қорачидан келган киши. - Бугунгача "Наманганёғмай" ҳиссдорлик жамиятидан 15 тонна пахта ёғи, 70 тонна қунжара, 8 тонна шелуха олдим.

-Маҳсулотларни ўз вақтида олдингизми, - деб сўрадик фермердан.

-Бўлмасам-чи. Менинг хўжалигимда 1100 гектар ерда 400 нафар ишчи тер туқайди. Уларнинг қозони хар доим қайнаб туриши керак. Бунинг учун ёғ зарур. Гапнинг очиги, завод билан шартнома қилиб қозонгача ноқулай вазиятга тушиб қолганим йўқ. Келажакда ҳам ушбу корхона билан ҳамкорлик қилиш ниятидаман.

Дароқе, жамоа аҳли хайрли бир ишга қўл уришди. "Обод маҳалла йили" муносабати билан шу ерда ишлаб, нафақага чиққан кексаларнинг хонадонларига боришиб, уларга қимматбаҳо совға-саломлар ҳада этилди. "Наманганёғмай" ҳиссдорлик корхонаси жамоаси ёғ ишлаб чикаришни қўлайлиги, аҳолига сифатли ва экологик жиҳатдан тоза ҳамда арзон маҳсулотлар етказиб бериш йўлида амалга оширган ва ошириляётган хайрли ишлар бошқаларга ўрнак бўлса арзийди.

Улугбек ЖУМАЕВ, "Қишлоқ ҳаёти" муҳбири.

ТАХРИРИЯТДАН: ушбу мақола юзасидан "Ўзбек ипаги" уюшмасининг муносабатини ҳам ҳавола етаяпмиз:

"Қишлоқ ҳаёти" газетаси тахририятига пиллачилик соҳасидаги муаммоларни очик-ойдин еритиб, уларни бартараб этиш юзасидан билдириляётган тақлиф ва мулохазалар учун самимий миннатдорчилигимизни изхор етаямиз. Уйлаймики, тахририятнинг соҳага бўлган муносабати уни янада ривожлантиришга қаратилгандир.

Шу билан бир қаторда, пиллачилик ривожиди янча келган ҳолат ва уни барқарорлаштириш бўйича амалга оширилган ишлар юзасидан қуйидагиларнинг маълум қиламиз.

Пиллачилик соҳасини қўллаб-қувватлашга қаратилган Президентимиз Фармонлари ва ҳўкуматимиз қарорлари соҳани янада ривожлантириш учун кенг имкониятлар ярати бermoқда. Соҳа корхоналарининг ишлаб чикариш ва молиявий фаолиятлари барқарорлашиб бermoқда.

Шуни таъкидлаш жоизки, 2002 йилдан бошлаб жаҳон бозориди пиллачилик маҳсулотларига талабнинг пасайганилиги ва улар нарҳларининг кескин тушиб кетганилиги корхоналарда оғир молиявий аҳволини юзуга келтирган эди. Оқибатда, айланма маблағлар ҳосил қилиш имконияти яратилмади. Хўжалиқлардан қабул қилиб олинган пилла учун ҳисоб-китоблар кечикди. Хўжалиқлардан мавжуд бўлган қарийб 4,8 миллиард сўм қарз тўланмай 2003 йилга ўтиб қолди. Бундай ҳолат 2003 йилда ипак қурти парвартилаш мавсумини ташкил қиляшда бир қурти қийинчиликларни туғдирди.

Шунга қарамай, "Ўзбек ипаги" уюшмаси тизимиди корхоналар пилла етиштирувчи хўжалиқларга етарли миқдорда ипак қурти уруғи ва мавсум учун зарур моддий-техника ресурсларини етказиб бердилар. Наҳижда, 2003 йилда умумий қиймати 11,3 миллиард сўмлик 16686 тонна пилла етиштирилиб, тайёрлов корхоналарига топширилди.

"Ўзбек ипаги" уюшмаси корхоналари хўжалиқларидан қабул қилиб олинган пилларлар учун ҳисоб-китобларни белгилаган муддатларда тўлатиш юзасидан барча

чора-тадбирларни амалга оширдилар. Наҳижда, хўжалиқларда 2003 йил пилла ҳосили қийматининг 10,3 миллиард сўмини ҳисоб-китоб қилиш билан бир қаторда 2002 йилдан мавжуд бўлган 4,8 миллиард сўм қарз ҳам тўланди. Жорий йил бошидан айни пайтгача хўжалиқлар билан 15,1 миллиард сўмлик ҳисоб-китоблар амалга оширилди.

Жойлардан олинган маълумотларга қўра Қорақалпоғистон Республикаси, Бўҳоро, Қашқадар, Навоий, Сурхондарё ва Хоразм вилоятлари бўйича пилла етиштирувчи хўжалиқлар олдиди қарзлар тўла-тўқис тўланган.

Қолган вилоятларда хўжалиқлар билан якуний ҳисоб-китоблар яқин кунлар ичида тўлиқ амалга оширилиши кутилмоқда.

Мазкур вилоятларда ҳисоб-китобларнинг кечиктишига Қозғистон Республикаси ҳудуди орқали пиллаларни ўтказишининг тақиқланиши муносабати билан уни экспортга, шу жумладан, товар-хом ашё биржалари орқали сотишни вақтинчалик тўхтаб қолиши ҳамда асосий истеъмолчи Хитой Халқ Республикаси (ХХР) корхоналарининг пилла ва табиий ипакка талаби мавсумий тушиб кетганлиги асосий сабаб бўлди.

Шунингдек, Фарғона водийси вилоятларида катта миқдордаги пилла хом ашёси пиллачилик корхоналарининг талабини қондириш ва уларнинг кейинги йил пилла ҳосилига қадар барқарор фаолият қўрсатишини таъминлаш мақсадида қайта ишлаш учун киритилган. Ушбу вилоятлар бўйича хўжалиқлардан қарз қайта ишлаб маҳсулотлари - табиий ипакларни сотиш ҳисобига тўланди.

"Ўзбек ипаги" уюшмаси тизимиди корхоналарнинг 2003 йилда хўжалиқлардан қабул қилиб олинган пилла учун қолган қарзларини қисқа муддатлар ичида тўлашни ташкил қилиш бўйича барча чора-тадбирларни амалга оширади.

Шавкат УМАРОВ, "Ўзбек ипаги" уюшмаси бошқаруви раиси.



Пастдарғом туманидаги Жума пахтани қайта ишлаш заводида иш қизғин. Бу, албатта, жамоа фаолиятининг иши тўғри йўлга қўйилганидан дарак. Яқинда меҳнатлари билан ҳамкасбларига ўрнак бўляётган 22 нафар ишчи фаҳрий ёрлик ва қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди. Улар орасиди илгор ишчи Мамарайим Аҳмедов ҳам бор. СУРАТДА: мукофотлаш тадбиридан лавҳа. Нурмамат АЙМУРОДОВ олган сурат.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚИШЛОҚ ВА СУВ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИ

қуйидаги Ирригация тизимлари ҳавза бошқармалари қошидаги Насос станциялари, энергетика ва алоқа бошқармалари ҳамда Гидрогеология-мелиоратив экспедициялар бошлиқлари, уларнинг биринчи ўринбосарлари ва ўринбосарлари, бош бўғалталарлари лавозимларига малакали мутахассисларни тайинлаш бўйича танлов эълон қиляди:

- Норин-Қорадарё ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси қошидаги**
 1. Насос станциялари, энергетика ва алоқа бошқармаси;
 2. Гидрогеология-мелиоратив экспедицияси.
- Норин-Сирдарё ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси қошидаги**
 1. Насос станциялари, энергетика ва алоқа бошқармаси;
 2. Гидрогеология-мелиоратив экспедицияси.
- Сирдарё-Сўх ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси қошидаги**
 1. Насос станциялари, энергетика ва алоқа бошқармаси;
 2. Гидрогеология-мелиоратив экспедицияси.
- Чирчик-Охангарон ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси қошидаги**
 1. Насос станциялари, энергетика ва алоқа бошқармаси;
 2. Гидрогеология-мелиоратив экспедицияси.
- Куйи Сирдарё ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси қошидаги**
 1. Жиззах Насос станциялари, энергетика ва алоқа бошқармаси;
 2. Сирдарё Насос станциялари, энергетика ва алоқа бошқармаси;
 3. Жиззах Гидрогеология-мелиоратив экспедицияси;
 4. Сирдарё Гидрогеология-мелиоратив экспедицияси.
- Аму-Сурхон ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси қошидаги**
 1. Насос станциялари, энергетика ва алоқа бошқармаси;
 2. Гидрогеология-мелиоратив экспедицияси.
- Аму-Қашқадарё ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси қошидаги**
 1. Насос станциялари, энергетика ва алоқа бошқармаси;
 2. Гидрогеология-мелиоратив экспедицияси.
- Аму-Бўҳоро ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси қошидаги**
 1. Насос станциялари, энергетика ва алоқа бошқармаси;
 2. Гидрогеология-мелиоратив экспедицияси.
- Куйи Амурдарё ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси қошидаги**
 1. Қорақалпоғистон насос станциялари, энергетика ва алоқа бошқармаси;
 2. Беруний насос станциялари, энергетика ва алоқа бошқармаси;
 3. Хоразм насос станциялари, энергетика ва алоқа бошқармаси;
 4. Қорақалпоғистон гидрогеология-мелиоратив экспедицияси;
 5. Хоразм гидрогеология-мелиоратив экспедицияси.
- Зарафшон ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси қошидаги**
 1. Насос станциялари, энергетика ва алоқа бошқармаси;
 2. Гидрогеология-мелиоратив экспедицияси.

1. Куйи Зарафшон насос станциялари, энергетика ва алоқа бошқармаси; 2. Куйи Зарафшон Гидрогеология-мелиоратив экспедицияси.

Танловда соҳа бўйича олий маълумотга ва мутахассислиги бўйича 8 йилдан юқори иш стажига эга бўлган, раҳбарлик лавозимиди 5 йилдан кам ишламаган юқори малакали Ўзбекистон Республикаси фуқаролари қатнашиши мумкин. Танловнинг қўшимча шартлари билан танлов комиссиясида тўлиқ танишини мумкин.

Номзодларнинг ҳужжатлари 2003 йилнинг 30 декабрига қадар қабул қилинади. Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси 4-уй. Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг 28-қониси, 41-27-20 ва 41-52-14 рақамли телефонлар.

Каттакўрғон туманидаги Алишер Навоий номи ширкат хўжалиғиди ўтган йилнинг асосиди 2 та "ТТЗ-80" русумли трактор олинган эди.

ТЕХНИКАСИ БОРНИНГ ДАСТИ УЗУН

Бу йил яна битта трактор харид қилинди. Хўжалик юмушларини бажариб бўлган техникалар айни маҳалда қўшни 8 та хўжалик дала-ларида ишлатилмоқда.
-Лизинг билан учун катта имконият бўлди. Акс холда икки йилда 3 та трактор олишга қўрбимиз этмасди. Техникамиз соғ. Шу боис режаларимизни ошириб бажаришга эришяпмиз, - дейди илгор пудратчилардан бири Талъат Турсунов. - Шунинг учун ҳам хўжаликда галлачиликдан 14,5 миллион сўм, пахтачиликдан эса 44 миллион сўм соф фойда олинди.

Ўқтам ҚУРБОНОВ, "Қишлоқ ҳаёти" муҳбири.

ХОРИЖИЙ УСКУНАЛАР ХОСИЯТИ

Миришкор туманидаги "Жейнов" хўжалиғи қошида фаолият қўрсатган Швейцария технологияси асосиди сутни қайта ишловчи "Жейнов" кичик корхонасида жорий йил давомида юз миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чикарилди.

Корхона Осие Тараққиёт банкнинг кредит йўналиши бўйича Миллий банк орқали олинган 285 миң 817 АҚШ долларини миқдориди қредит эвазига барпо қилинган эди. Хомашё таъминоти ва маҳсулотни сотиш аҳши йўлга қўйилгани туфайли олинган кредит ва фойз тўлиқ қопланиб, хориж ўсуналари корхона мулкига айланди. Бир кеча кундузда икки тоннагача сутни қайта ишлаш қувватига эга бу корхонада ўн икки турдаги сут маҳсулотлари "Жейнов" тамғаси туширилган чироқли пакетчаларда қадоқланмоқда. Корхонанинг пишлоқ, сариёғ, қаймоқ, бриза, йогурт, творогли аралашма қаби маҳсулотлари нафақат воҳада, балки республикамизнинг бошқа шаҳарларида ҳам жуда машҳур. Хўзирда улар Қарши, Тошкент ва Самарқанд шаҳарлари аҳолисига етказиб беришмоқда.

"Туркистон-пресс"

ЕТИ ИҚЛИМДАН БИР ШИНГИЛ

БЕЛЬГИЯДА АВТОҲАЛОКАТ

Бельгиянинг Монс шаҳарчасиди юз берган автоҳалокат натижасиди 11 киши ҳаятдан қўз юмган, дея хабар беради ИТАР-ТАСС.

Маълумотларга қараганда, ҳайдовчининг ўқлаб қолибди автоҳалокат бўшқарувсиз қолган автобус йўл четидиги тўсика урилган ва газ баллонларининг ёрилиши туфайли портлаб кетган. Мазкур автобус Бельгия бўйлаб саяҳат қилядиган йўловчиларни ташвиш учун мўлжалланган эди. Шу сабабли унинг салониди ҳайдовчидан бошқа маҳаллий аҳоли ва

КЎНГИЛГА САЙР

ҲАР БИР ЮРАК МИНГ НАВОГА ШАЙЛАНАР

Ловуллашнинг заррин бир хитоб, Еритмасанг, зулумот - ғаддор, Барибир, сен, мўтабар офтоб, Бизлардан-да бўлгил миннатдор. Нуринг кулфатларга қарши ҳарб, Шуълашнинг муборак сўзинг, Бўлмасайдинг бизлар учун сарф, Куйдирардинг ўзингни ўзинг.

Умид сўнмас юлдуз чархи ишқ аро, Ишқ бирла манглай оқ, йўқдир у - каро. Мухаббат мулкнинг йўқдир фуқаро, Лекин унда... лекин унда... шохлар кўп. Ҳар мазмун ҳам шёърларга юк бўлмас, Ҳар оқин ҳам мумтоз, буюк бўлмас, Ҳар жонивор марол, кийик бўлмас, Бошларинда гарчи узун шохлар кўп.

(Боши 1-бетда)

Меҳрихон тўртта қиз кўрди. Лекин ўғилли бўлиш унга насиб этмади. Тақдир экан, ҳонадоннинг ёлғиз эркаги бўлган Зоҳид муаллим қандайдир бир касалликка чалинди-ю, уларни бемаҳал ташлаб кетди. Меҳрихон турмуш ўртоғидан ажралганда ўзини ўлдирмоқчи бўлди. Бирок бе...

кимни бахтли қила олмаслигини тинмай қайтарарди. Узукун кўчада ўтирадиган бу аёлдан ноҳуш гапларни эшитган совчилар Меҳрихоннинг уйига ҳам кирмай, ортларига қайтарди. Алҳол, Кулбиби ниятига етди. Кечагина эшитгининг турмуни бузаётган совчиларнинг бирдангина йўқ бўлиб...

унинг уйига ҳам эгалик қилмоқчи бўлган Кулбибининг бошига қора кунлар туша бошлади. Унинг икки қизи бор. Гийбат-у буюхонлардан бўшаймайдиган, қўчадан бери келмайдиган бу аёл қизлари тарбияси билан деярли шугулланмасди. Қизларини ҳаддан зиёд эркалатиб ўстиргани Кулбиби уларни жуда яхши кўрар, не истасалар муҳайё этар, бир кун келиб бир эрка қизлар ўзи бошига этишларини билмасди...

ТОРГА ТОР ДУНЁ...

Иллалар ўтди. Қизлар улғайди. Меҳрихон уларни ўқитишга аҳд қилди. Катта қизи Ойхон, кейин Сарви ота касби - ўқитувчиллини танлашди. Она қизларининг камоллини, бахтини кўрмоқ орзасида тиним билмай меҳнат қилди. Айрилиқ ва қашоқлик исанжасида азоб чеккан жонлар эндигина бахтли ҳаёт оstonасига қадам қўймоқчи бўлиб туришганда, тўстидан Кулбиби юрган совчилар Ойхонни унинг ўли Истамга келин қилмоқчи эканлигини билдиришди. Бу жанжалкаш аёлнинг тантак ва тарбияси ўғлига турмушга чиқишга Ойхон рози бўлармиди.

қолиши Меҳрихонни ташвишга солди. Кўнглига ҳар хил ўйлар келди бошлади. Хатто қишлоқдошлари ҳам унга масҳарамуз боқадиган бўлиб қолишди. Қизларининг тақдирини ўйлаган Меҳрихонни дард йикитди. Ҳаётининг сўнги дақиқаларида оналари бошида кўзларидан дув-дув ёш тўкиб, бир оғиз сўзига интиқ бўлиб турган қизлар унинг илтижосини тинглаб, фарёд чекдилар: "Гуноҳкор бандангнинг кечир, Тангри! Майли, жонини ол, аммо қизларимдан бир чимдим бахтингни дариг тутма! Улар дунёдан танҳо ўтишмасин!"

Узукун эрда қолмас, дейдилар. Меҳрихоннинг қизлари бироз ёшлари ўтиб бўлса-да, турмушга чиқиб кетишди. Кенжа қизи Зеби ҳонадоннинг чирогини ёқиб, қўёви билан уйда қолди. Неча йиллардан бунён ишлатилмай ётган тикув машинасига жон киритди. Қайтар дунё экан, Меҳрихоннинг қизларидан бирини келин қилиб, шу баҳонада Сайфулла ИКРОМОВ

SPORT OLAMIDA

АРТУРНИНГ НАВБАТДАГИ РАҚИБИ

Профессионал боксининг VBO йўналишида мамлакатимиз шарафини муносиб ҳимоя қилаётган Артур Григорян чемпионлик камарини ҳимоя қилиш учун яна рингга чиқадиган бўлди. Артурнинг бу сафарги рақиби имкониятлари юқори баҳоланаётган бразилиялик Фрейтесдир.

АБДУЛЛА - ОСИЁДА БИРИНЧИ

Ўзбек кураши бўйича Эронда ўтган Осие чемпиононати баҳслари нихосига етди. Техроннинг "Афросиё" спорт мажмуасида 19 та давлатдан таширф буорган полвонлар ўртасида кечган мурдасиз беллашувлар мухтаassisлару ишқибозларда катта таассуротлар кўлдириди. Бутун жаҳон талабалар универсиадаси голиби, ҳамюртимиз Абдулла Тангриев ўз вазни тоифасида энг кучли полвон эканлигини яна бир бор исботлаб, чемпионатнинг олтин медалига сазовор бўлди. Шунингдек, спортчиларимиздан 66 кг вазнда Аюб Камолов, 90 кг вазнда Давлат Чориевларга кумуш, 73 кг вазнда Ҳалим Жумаевага бронза медаллари насиб этди.

БРАЗИЛИЯ - ЖАҲОН ЧЕМПИОНИ

Бирлашган Араб Амирликларида ёшлар ўртасида ўтган футбол бўйича жаҳон чемпиононати нихосига етди. Аргентина - Колумбия терма жамоалари учинчи ўрин учун, Бразилия - Испания терма жамоалари эса чемпионолик учун майдонга тушишди. Аргентина - Колумбия терма жамоалари учрашуви қўтилангидек, шиддатли кечди. Бунди дарвозаларнинг уч марта ишгол этилганлиги ҳам ақвол исботлаб турибди. Уйинда колумбияликлар Марадона ватандошлари устидан 2:1 ҳисобида устун келишди. Финал учрашуви олдида ким чемпион бўлишини башорат қилиш қийин эди. Чунки Пеле ватандошлари ҳам, Раул ватандошлари ҳам аjoyиб галабаларни кўлга киритиб, чемпионолик хос ўйин кўрсатишди. Хуллас, Европа қитъаси жамоаси дарвозасини бир бора ишгол эта олган бразилияликлар шохсупанинг чўққисига чиқиди.

ПАХТАЧИЛИК КЕКСА ПОЛВОНЛАР

Қишлоқларда болалар спортини ривожлантириш учун аввало болаларда спортга меҳр уйғотиш керак. Бунинг энг маъқул усули эса - ота-оналар, қариияларнинг ўзларини ҳам мусобақаларга жалб этишдир. СУРАТЛАРДА: Пахтачи туманидаги "Истиклол" маҳалласида ота оналар шохмотининг сир-асрорларини фарзандларига ўргатишгаётган бўлса, "Ўрта" маҳалласи нурунонли ўзбек курашининг нафис жозибасини намойиш этишмоқда. Б.АКРАМОВ олган суратлар.



"ОЛТИН ТЎП"НИНГ ЯНГИ СОҲИБИ

"Франс Футбол" ҳафталиги Европанинг бу йилги энг яхши футболчисни аниқлади. "Олтин тўп" соҳибчи Чехия термаси ва Италиянинг "Ювентус" жамоаси ярим ҳимоячиси Павел Недвед бўлди. У болгариялик Христо Стоичковдан кейин Шарқий Европа вакилларидан шу совринни кўлга киритган иккинчи футболчи сифатида қайд этилди. Ярим ҳимоячи ўтган мавсумда терма жамоаси, Италия "А" серияси ва Европа чемпиононати лигасидаги аjoyиб ўйинлари билан бу совринга лойиқ топилди. Ҳозирги вақтда бу футболчи билан Чукотка губернатори Роман Абрамович жиддий қизиқмоқда, у Недведни "Челси" да кўришни жуда-жуда истамокда. Бирок, футболчининг "Ювентус" билан 2006 йилгача шартномаси бор. Шундай бўлса-да, ҳамма нарса ўзгариши мумкин. Дарвоқе, Недвед бу йил Чехиянинг ҳам энг яхши спортчиси бўлди.

"РЕАЛ"НИ "СИНДИРИШ" ОСОНМАС

Футбол бўйича Испания чемпиононати 17 турида марказий учрашув "Реал" ва "Мальорка" жамоалари ўртасида кечди. 11 дақиқадак мезбонлар ҳужумчиси Фернандо Корри ҳисобини очди. Аммо биринчи бўлимда "Мальорка" устунликини ушлаб туролмади. 45 дақиқада қироллик клуби сардори Раул Гонсалес жавоб тўпини киритди. Иккинчи бўлимда эса "Реал"нинг бразилиялик юлдузи Рональдо орадаги фарқни оширди. Якуний ҳисобни эса Луиш Фигу пенальтидан ўрнатди - 1:3. Сўнги вақтларда бир текис ўйин намойиш эта олмаётган "Барселона" эса ўз уйида Александр Мостовой жамоаси "Селта"ни қабул қилиб зўра мағлубиятдан қутулиб қолди - 1:1. 17-тур баҳсларидан сўра "Реал" пешкадам сифатида қишқик таътилга чиқиб кетди. "Барселона" эса ҳозирча 9-ўринда турибди.

ПРОИЗВОДМО ПО ВАШЕМО ЗАКАЗУ

Селитру калийную, сульфат калия, никель сернокислот, окись цинка. Тел.: 34-69-13. Тошкент шаҳар Собир Раҳимов туманидаги "ASH-PIKADOR" масъулияти чекланган жамияти тугатилди. Даволаб зълон чоп этилган кундан бошлаб бир ой давомида қабул қилинади. Тел.: 46-74-84. Тошкент шаҳар Юнусовид туман ИИБ томонидан 2003 йилда уй-жой мулкдорлиги ширкатига қарашли "Бобил-Бон"га берилган думалоқ муҳр йўқолганлиги учун бекор қилинади. ООО "KURANOV" г.Ташкентда объекти об изменения уставного фонда с 5000000 сум до 4000000 сум. Ўзбекистон Республикаси Деҳқон ва фермер хўжалиқлари уюшмаси жамоаси ўшима раъсининг биринчи ўринбосари Эгам Қурбонова волида мухтарамаси Шарофат ва ДАВРОНОВАнинг вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлиқ билдиради. Ўзбекистон пахтачилик илмий-тадқиқот институти жамоаси институтида кўп йиллар ишлаган таниқли олим, қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор Тождидан Солиқовнинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия билдиради.

ЗУЛМАТГА ҚАРШИ ИСЁН

Юртхотирасиз келажак йўқ" деган сўзларини ўзига дастуруламал деб билган марҳаматлик истеъдодли журналист Обиджон Маҳмудов ватанининг кечаги кунини, айниқса, фоживий тарихи ҳақида ёзишнинг ҳам мушкул, ҳам маъсулиятли эканини қалбдан ҳис этган инсон. У бу мушкулликни халқимиз қалбидан изтироблар, оғриқларни қаламга олиш, уларни ўз бошиндан кечирмоқ деб билса, ўзига хослиги мумод Эрх ва Озодлик илминда кечган ҳаётнинг тоти ва сурурини дилдан ҳис этти билмак деб қаради. Шу боис, ҳар иккисини тўйган ижодкор юрак соҳибни ушбу ҳақиқатни ёза олди. Яқинда "Ўзбекистон" нашриётида қалбан тўлиб-тошиб чоп этилган "Зулматга ўқидингизми?" кўйлаши, қадрдон қарши исён" тарихий-хронологик китоби (2003 йил) Обид Маҳмудов қаламига мансуб бўлиб, уни ўқиган ҳар бир китобхон юқоридаги фикрга қелиши табиий.

Китоб бир муқова остида ҳам янги имлода, ҳам кирилл алифбосида босилган бўлиб муаллиф китобини уч қисмга бўлади. Биринчи бўлимда Дукчи Эшон яшаб ўтган юрт - қадимий Эрши шаҳри ва Мингтепа ёдгорлиги каби бебаҳо осори атиқаларимиз тарихи ва уларни сақлаб қолиш, ўрганиши йўлида юртсавар давлат арбоблари ва заҳматкаш олимларнинг эзгу ишлари ҳақида сўз юритилади. "Исён бўлиб турган инсон" деб номланган иккинчи қисм бевосита асар қаҳрамони, унинг аждоди, оиласи, фарзандлари тақдирига бағишлангандир. Ва Ниҳоят, учинчи қисм "Тарихни абадийлаштириш йўлида" деб номланиб, унда республикамиз мустақилликка эришганга, Андижон вилоятида, хусусан Мингтепада амалга оширилган маънавий-маърифий таъдирлар, Дукчи Эшон ва унинг авлодлари ҳақидаги ҳақиқатни ойдинлаштириш ҳамда озошлик йўлининг нақадар муқаддас эканлиги ургу берилди. Ҳамкас сифатида муаллифнинг бу китоб устида узок изланиш олиб боргани, Эшон авлодларининг деярли барчаси билан дилдан суҳбат қургани, уларнинг хотираларини чуқур тадқиқ этганидан хабардорман. Ана шу изланишлар самараси ўлароқ, Мухаммадали Эшоннинг ўша фожиаи кунларда осилмагани, қочиб қутулган эса Тожикистоннинг Ўратепасида 30-йилларгача яшаб, сўнгра вафот қилгани аниқланди.



Ўқитувчининг билим ва малакаси ўз устида ишлашда, тинимсиз изланишда камол топади. Андижон вилояти педагогларни қайта тайёрлаш ва малака ошириш институти илмий жамоаси ходимлари бу ҳақиқатни яхши тушунишади. Айниқса, ижтимоий фанлар ва маънавий асослари кафедраси мудири М.Мўминовнинг бу соҳада амалга ошираётган ишлари салмоқли. СУРАТДА: М.Мўминов ҳамкасблари даврасида. X.АРАББОВЕВ олган сурат

Тадбиркорлар, ишбилармонлар, хорижий ва маҳаллий инвесторлар диққати!

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 13 августдаги 350-сонли "Балиқчилик тармоғида монополиядан чиқариш ва хусусийлаштиришни чуқурлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига асосан Давлат мулкни бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш Давлат Кўмитаси "Балиқчи" акциядорлик жамиятининг устав фондидаги 27,37 фоиз давлат активидаги акция пакетларини сотиш бўйича 2004 йил 6 январь соат 11-00 да танлов савдоси ўтказилишини маълум қилди. Ўтказиладиган танлов савдосининг шартлари эътиб қўйидагилар белгиланган: -"Балиқчи" акциядорлик жамиятининг устав фондидаги 27,37 фоизлик давлат активи акция пакетини сотиб олиш бўйича танлов савдоларида иштирок этиш учун сотилиши белгиланган акция пакетининг бошланғич баҳосида 5 фоиз (1920,1 миң сум ёки 1971,26 АКШ доллари) миқдорда Кўмитанинг ҳисоб рақамига қаралат маблағи тўлаш; Кўмита ҳисоб рақамлари: Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, Тошкент шаҳар бошқармаси, ҳисоб касса маркази (2150800050060289001, МФО 00014, ИНН 201122696 махсус ҳисоб рақами ёки 2150884000060289002, МФО 00014, ИНН: 201122696 махсус валюта ҳисоб рақами); -сотилиши белгиланган 27,37 фоизлик давлат активи акция пакетини сотиб олиш учун энг юқори баҳони тақлиф қилиш; -акциядорлик жамиятини иктисодий ривожлантириш бўйича бизнес-режа тақдим этиш; -акциядорлик жамиятининг бюджет ва бюджетдан ташқари кредитдорлик қарзларини тўлаш; -акциядорлик жамиятини киска (1-2 йил) муддатда энгги технология усуллар билан жиҳозлаш ва молиявий яхволини янада яхшилаш бўйича қўшимча инвестиция киритиш мажбуриятини олиш; -хорижий корхонанинг Ўзбекистон Республикасида рўйхатга олинганлиги (локализация қилинганлигини тасдиқловчи ҳужжатнинг асл нусхасини тақдим қилиш); Танлов савдосида иштирок этувчи сармоядорлардан тақлифлар 2004 йил 5 январь соат 18-00 га қадар қабул қилинади. Ўтказиладиган танлов савдолари шартлари бўйича қуйидаги манзилга, яъни 700003, Тошкент шаҳри, Ўзбекистон шох кўчаси, 55 уй, Давлат мулки кўмитасига 139-22-50, 139-20-66, 139-21-81 телефонлари орқали мурожаат этиш мумкин.

БИЛИБ ҚЎЙГАН ЯХШИ

Эскириб қолган картошкани пишириш вақтида озгина шакар қўйиш, у мазали бўлади. Саёзи ва пивэни қизартириб пишириш учун қураётганда озгина шакар қўйиш керак. Гурчунни юваётганда сувга озгина сирка қўйиб ювсангиз, гурчун олоқ бўлиб, ошингиз широк бўлади. Балиқни қовуришдан олдин 10-15 дақиқа тузлаб қўйиш керак. Шунда у мазали ва яхши пишади. Шўрвага солинган картошка эзилмаслиги учун қозонга солишдан олдин бир-икки жойига санчи суқиб олинг. Оширишга қўйилган хамирнинг бир неча ерига макарон суқиб қўйсангиз, тез ошади. Сариеғ эритаётганда идиш тағини пахта ёғи билан мўлласангиз, ёғ қораймайди. Дамланган чойни ҳеч вақт олов устига қўймаган. Бунда чой аччиқина бўладию, лекин қўйиб кетади. Тухум сариги илиқ ҳолда чинни идишда чилчўп билан ийлсан тез қўпиради, тухум оқилани эса аксинча совуқ жойда тез қўпиради. Рўзғорда газ чойнаги қўпича қўйкум бўйлаб қолди. Қўйкум - сувдаги тузлар қайнаш даврида парчаланиб, зич қатлам ҳосил қилиб, идиш деворига ўрнаб қоладиган олоқ чўйма бўлиб, агар у идиш тубида қўлайиб кетса, сувнинг тез исинишига ҳалақит беради ҳамда ҳар хил касалликларни келтириб чиқаради. Қўйкумни йўқотиш учун ичимлик содаси ва бир қошиқ сиркани сув билан тўлдирилган чойнакка солиб 30-40 дақиқа қайнатилди. Ёки лимон пўстлогини олиб қайнатилса ҳам қўйкум тезда қўчиб ташади. Бу усулдан фойдаланиб бўлмач, идишни илиқ сув билан қайиб ташлаш керак. Янги гуярнинг сиртига пахта ёғи суртиб қўйилса у бир неча кунгача яхши сақланади. X.МАҲАМОВА тайёрлади.

Boш муҳаррир: ҲАҚИМ РАҲМАТ. ТАХРИР ҲАЙЪАТИ: Саид АХМАД, Агитай АДИЛОВ, Комилжон МАМАЖОНОВ, Суннат САЙДАЛИЕВ (Бош муҳаррир ўринбосари), ҲАБИБ ТЕМИРОВ (Бош муҳаррир биринчи ўринбосари), Рафур ШЕРМУХАММАД (масъул котиб), Озод ШАРОФИДДИНОВ. МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Агротехнология комплекси таркибидagi ҳамда шу тармоққа дахлдор вазирликлар ва идоралар. ТЕЛЕФОНЛАР: Кабулхона - 136-58-83 (факс) - 133-09-93. (факс): 133-40-87. Бош муҳаррир ўринбосарлари - 133-16-27, 133-44-43, котибият - 136-56-30. Ижодий гуруҳлар: 136-54-44, 136-56-21, 136-56-25, 136-54-42. ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ: Коркжалогон Республикаси - 8-361-58-512-17; Андижон - 8-374-2-25-32-3; Бухоро - 8-365-22-64-46-1; Жиззах - 8-372-22-648-72; Наманган - 8-369-43-311-81; Фарғона - 8-373-61-221-97; Самарқанд - 8-366-233-00-52; Сурхондарё - 8-376-46-526-61; Сирдарё - 8-367-225-41-73; Тошкент - 8-371-136-56-21; Ҳоразм - 8-362-22-623-50; Қашқадарё - 8-375-22-517-85. Реклама ва эълонлар бўлими: телефони: 133-44-43, 136-58-83. МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй. Реклама ва эълонлар матни учун бюртмачи жавобгар: Навбатчи: Д.КИРФИЗБОВЕВ.